



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 10 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 10

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2025

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозогистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Шоҳистахон Улжаева ТАРИХИЙ ЙЎЛЛАР ЧОРРАҲАСИДА: АМИР ТЕМУР ВА ТЎХТАМИШХОН.....	5
2. Jummagul Abduraxmanova Toshkent iqtisodiyot va pedagogika universiteti TOTALITAR TUZUM VA TA'LIM TIZIMIDAGI HOLAT (1925–1941 yillar).....	10
3. Гулнара Жолдасбаева ТНОГРАФИЧЕСКИЕ МОТИВЫ КАРАКАЛПАКСКОГО ГЕРОИЧЕСКОГО ЭПОСА «КОБЛАН».....	17
4. Dilshod Abdullayev 1946-1958-YILLAR O'ZBEKISTON SSRDA O'RTA MAXSUS TA'LIM TIZIMIDAGI VAZIYAT.....	23
5. Фарзия Ансорова ЗВАНИЯ И ДОЛЖНОСТИ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В ТРУДЕ «ТАЪРИХИ САЛИМЎ» МИРЗО МУХАММАДА САЛИМБЕКА.....	28
6. Faxriddin Yormatov O'ZBEKISTONDA NURONIYLARNI HAR TOMONLAMA QO'LLAB QUVVATLASHNING IJOBIY NATIJALARI.....	37
7. Шаходат Зайниддинова ОСОБЕННОСТИ СТРУКТУРНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ, ПРОВЕДЕННЫХ В СИСТЕМЕ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ В ПОСЛЕДНИЕ ГОДЫ.....	43
8. Muborak Matyakubova XIVA XONLIGIDA IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGI: IQTISODIY TARAQQIYOT OMILLARI.....	49
9. Diloram Ziyayeva IX-XII ASRLARDA O'ZBEK DAVLATCHILIGI. IJTIMOY, SIYOSIY-IQTISODIY HAYOTI. AJDODLARIMIZNING JAHON SIVILIZATSIYASI TARAQQIYOTIGA QO'SHGAN ULKAN HISSASI.....	55
10. Farxod Ziyayev XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MOHIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	60
11. Shaxodat Ruzmatova XIX ASRNING IKKINCHI YARMIDA QO'QON XONLIGI AHOLISINING IJTIMOY TUZILISHI.....	65
12. Fotima Shirinova TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAKAT.....	71



Шохистахон Мамажоновна Улжаева,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти, Миллий тадқиқот университети профессори,
тарих фанлари доктори

ТАРИХИЙ ЙЎЛЛАР ЧОРРАҲАСИДА: АМИР ТЕМУР ВА ТҶХТАМИШХОН

For citation: Shohistahon M.Uljaeva. AT THE CROSSROADS OF HISTORICAL PATHS: AMIR TEMUR AND TOKHTAMYSHKHAN. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 10.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17548842>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги сиёсий ва ҳарбий муносабатлар, уларнинг ўзаро ҳамкорлик ва зиддиятлар орқали Мовароуннаҳр, Олтин Ўрда, Озарбайжон, Эрон ва Рус ерлари тақдирига кўрсатган таъсири ёритилган. Муаллиф манба ва тарихий хроникаларга таянадиган ҳолда, Тўхтамишнинг Амир Темур ҳимоясига кириши, сўнгра мустақил сиёсий курс тутгани ва бунинг оқибатидаги ҳарбий тўқнашувлар тарихи таҳлил қилинади. Ушбу мақола XIV–XV асрда Евросиё сиёсий харитасидаги ўзгаришлар контекстида Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва унинг стратегик мақсадларини очиқ беради.

Калит сўзлар: Амир Темур, Тўхтамишхон, Олтин Ўрда, Мовароуннаҳр, ташқи сиёсат, Буюк Ипак йўли, тарихий дипломатия.

Шохистахон Мамажановна Ульжаева,

профессор Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства», доктор исторических наук

НА ПЕРЕСЕЧЕНИИ ИСТОРИЧЕСКИХ ПУТЕЙ: АМИР ТЕМУР И ТОХТАМЫШХАН

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются политические и военные отношения между Амиром Темуром и Тохтамыш-ханом, а также их влияние на судьбу Мавераннахра, Золотой Орды, Азербайджана, Ирана и Руси через призму сотрудничества и противостояния. Автор, опираясь на источники и исторические хроники, анализирует переход Тохтамыша под покровительство Амир Темура, последующий курс на политическую независимость и вооружённые конфликты, ставшие следствием этого выбора. Данная статья раскрывает внешнюю политику Амир Темура и его стратегические цели в контексте политических изменений на евразийской карте XIV–XV веков.

Ключевые слова: Амир Темур, Тохтамыш-хан, Золотая Орда, Мавераннахр, внешняя политика, Великий шёлковый путь, историческая дипломатия.

Shohistahon M.Uljaeva,Doctor of Historical Sciences, Professor at the National Research University «Tashkent
Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers»**AT THE CROSSROADS OF HISTORICAL PATHS: AMIR TEMUR AND
TOKHTAMYSHKHAN****ABSTRACT**

This article explores the political and military relations between Amir Temur and Tokhtamysh Khan, highlighting their impact on the fate of Mawarannahr, the Golden Horde, Azerbaijan, Iran, and the Rus' lands through a complex interplay of alliance and conflict. Drawing on historical sources and chronicles, the author analyzes Tokhtamysh's initial reliance on Amir Temur's support, his subsequent pursuit of political independence, and the military confrontations that ensued. The article sheds light on Amir Temur's foreign policy and strategic objectives within the broader context of geopolitical changes across the Eurasian landscape in the 14th–15th centuries.

Index Terms: Amir Temur, Tokhtamysh Khan, Golden Horde, Mawarannahr, foreign policy, Silk Road, historical diplomacy.

1. Кириш (Introduction)

XIV асрнинг иккинчи ярми Евросиё сиёсатида жиддий ўзгаришлар даври бўлди. Бу даврда Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатлар тарихдаги энг аҳамиятли сиёсий иттифоқлардан бири ва, шунга мос равишда, тарихий зиддиятларга ҳам мисол бўла олади. Мақолада ушбу муносабатлар замирида ётган геосиёсий ва стратегик мақсадлар, ҳарбий юришлар ва уларнинг натижалари таҳлил этилади.

2. Усул (Methods)

Таҳлил тарихий таҳлил, илмийлик ва танқидий усул асосида амалга оширилди. Асосий манбалар сифатида Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Фасих ал-Хавафи каби муаррихларнинг асарлари ва замонавий тадқиқотчилар – М. Абдураимов, А.Ю. Якубовский ва бошқаларнинг илмий ишларидан фойдаланилди. Манбаларни муқояса қилиш орқали воқеаларнинг изчиллиги ва сабаб-натижа алоқалари очиб берилди.

3. Натижалар (Results)

Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатлар XIV асрнинг охирларида Мовароуннаҳр ва Олтон Ўрда тарихида муҳим сиёсий ва ҳарбий воқеаларга сабаб бўлди.

Амир Темурнинг Олтин Ўрда билан олиб борган ташқи алоқалари унинг ташқи сиёсатидаги муҳим йўналишни ташкил этади.

Амир Темур бу давлат билан фаол ташқи алоқа олиб борганининг бир қанча сабаблари бор. Жумладан, Шимолий Хоразм ва Оқ Ўрда Мовароуннаҳрга чегарадош эди. Темур тузаётган янги мамлакатига Олтин Ўрда хавф солишини сезарди[1]. Шунинг учун ҳам у Хоразм ва Олтин Ўрда ҳудудида юз бераётган сиёсий воқеаларни сергаклик билан кузатди.

М.Абдураимовнинг ёзишича, Ўрусхон Сирдарёдан Волга бўйларига келиши билан Олтин Ўрдада Ботухоннинг акаси Ўрда Ичен авлодидан саналган янги хонлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди. Тўйхўжа ўғлон Ўрусхон томонидан қатл этилгач, унинг ўғли Тўхтамиш ҳам ўз ҳаётидан хавфсираб, қудрати оламга таралаётган Амир Темур давлатидан паноҳ топди[2]. Бу вазият эса Амир Темурга жуда ўнг келди, чунки у Олтин Ўрда хони ўзига тарафқаш, тобе бўлишини анчадан буён орзу қиларди[3].

Бизнингча, у ана шу истакларни амалга оширишни Тўхтамишхон сиймосида кўрди. Соҳибқирон унга мадад сўраб келаётган Тўхтамишни ҳар-хил қимматбаҳо совғалар билан қарши олди. Низомиддин Шомий бу ҳақда шундай ёзади: «Тўхтамиш ўғлон келганда, амирлар уни Темур қабулига олиб киришди. Ҳазрати олийлари уни етарлича ҳурмат-эҳтиром билан қарши олди. Уни Самарқандга бошлаб бориб, шоҳона зиёфат берди. Тўхтамиш ва унинг йўлдошларига муносиб совға-саломлар улашди, тилла ва (қимматбаҳо) безаклар, мол

ва газмол, от ва хачир, чодир, ноғора ва байроқ ҳамда жанговор кўшин берди. Ўтроп ва Саврон вилоятига ҳоким этиб тайинлади”[4].

Бу орада Темурнинг Бухородаги қароргоҳига Ўрусхоннинг элчилари келиб, Тўхтамишни топширишни талаб қилади. Темур бу таклифни қатъий рад этди ва тез орада ўзи жангга киришини айтади.

Соҳибқирон Ўрусхонга қарши курашмоқ учун Сифноқ яқинига келиб жойлашди ва об-хавонинг ёмонлиги, яъни қаҳратон қиш, ёгингарчилик туфайли ортга қайтиб бир неча ой Кешда қолади. Ўрусхонга қарши юришда Тўхтамишни йўлбошчи қилиб олади, лекин вазият ўзгариб, аввал Ўрусхон кейинроқ эса унинг ўғли Тўқтакиё вафот этади[5]. Оқ Ўрда билан тахт учун курашлар натижасида Тўхтамишхон кўшинлари учинчи марта енгилади. Амир Темур Тўхтамишнинг ҳарбий лаёқатига шубҳаланиб қолган бўлса-да, унда тахтга ўз одамини қўйиш, мағлубият учун ўч олиш истаги кучли эди[6]. Тўхтамиш Амир Темур ёрдамида хонлик тахтига ўтирган бўлса ҳам ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Темурга номигагина бўйсунарди, қулай пайт келиши билан мустақил бўлиб, унинг ҳокимиятидан юз ўгириб кетиш ниятида юрарди[7].

М.Абдураимов Тўхтамиш бошқараётган Олтин Ўрда давлати Рус князликлари ёки Амир Темур давлатига ўхшаб мустақам заминда, ўз халқининг табиий ўсишига боғлиқ равишда эмас, курама ва хўжаликлараро тарқоқ заминда бунёд этилганлигини алоҳида таъкидлайди. Бизнингча ҳам бу ҳол Тўхтамишга анча мураккабликлар туғдириши мумкин эди.

Амир Темурнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан Олтин Ўрда тахтига ўтирган Тўхтамиш рус князликлари устидан номигагина эмас, тўла-тўқис ҳукмронлик ўрнатиш учун Жўчи улуси кучларини оширишга аҳамият берди ва рус феодал князликларининг Москва атрофида бирлаштиришга тўсқинлик қилди. Олтин Ўрда ва рус тарихидан аёнки, мўғул хонлари хусусан, Тўхтамиш ҳам рус ерларида ва туб феодал ажралишига бўлган ҳаракатларини қўллаб қувватларди. Жўчи улусининг нуфузи, таъсири тушиб боришига йўл қўймаслик учун у бутун куч-ғайратини аямай сарфлади. Ўз ҳукмронлигини мустақамлаш учун у Озарбайжон ва Эронга ҳам кўз тикди[8].

Олтин Ўрда ва Амир Темур ўртасидаги низо Соҳибқироннинг Олтин Ўрдадан бўладиган хавфни бартараф қилишга ва мўғуллар даврида шимолий тармоғи кучайтирилган Буюк Ипак йўлини эгаллашга бўлган саъий ҳаракати туфайли чиққан.

Ҳар икки томон ҳам ана шу масала юзасидан муҳолифатчилик қиларди.

Бу даврда Буюк Ипак йўлининг муҳим тармоқларидан биттаси бу икки давлат худудидан бевосита ўтган. Бу йўлларнинг бири Рус, жанубидан Қора ва Қизилқум, Каспий денгизи соҳиллари бўйлаб, иккинчиси Каспийдан жануброқдаги Шом, Қичик Осиё, Кавказорти, Эрон, Самарқанд орқали ўтган. Беркахон давридан бери Олтин Ўрда хонлари дастлабки савдо йўлини эгаллаган бўлса-да, иккинчисини ҳам қўлга олишга, жилла курса кесиб ташлашни, биринчи навбатда бой Табриз шаҳрини эгаллашни орзу қилардилар[9].

Тўхтамишхоннинг Табризни босиб олишига эронликлар, аввал жалойирлар ва Амир Темур қарши чиқди. Темур собиқ жалойирлар ҳукмронлигидаги Озарбайжонга ўзига қарам улус тариқасида кўз тиккан. Шундай қилиб, 1385-1386 йилларда Олтин Ўрдаликларнинг Озарбайжон ва Табризга бостириб кириши Олтин Ўрда хони ва Самарқанд амири ўртасида ихтилоф туғулишига сабаб бўлган. Улар ўртасида жанг чиқишига иккинчи сабаб Дашти Қипчоқнинг шимолий қисмини эгаллашга бўлган интилиш билан боғланади[10].

Амир Темур ва Тўхтамиш ўртасида алоқа бузилишга яна бир сабаб Хоразм масаласи борасида келиб чиққан. Чунки, Хоразм XIV асрнинг 60-йилларигача Олтин Ўрданинг таркибий қисми ҳисобланиб келган, Тўхтамишнинг Озарбайжонга юриши Амир Темурнинг Хоразмнинг ўз тасарруфига киритгани учун бир қасос эди. Амир Хусайн ва Сароймулкхоним мўғул уруғиданлигини ҳисобга олган ҳолда ва Ибн Арабшоҳ фикрига таяниб, М. Абдураимов яна бир иккинчи даражали сабабни амир Хусайннинг ўлдирилишидан келиб чиққан деб тахмин қилади[11].

Демак, бизнингча Амир Темурнинг Олтин Ўрдага нисбатан тутган ташқи сиёсат йўналиши қуйидаги мақсадларни ўзида мужассамлаштирган:

биринчидан, шимолдаги-Олтин Ўрдан бўладиган хавфни бартараф этиш;

иккинчидан, давлат тараққиётида муҳим ўрин тутган Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи устидан ҳукмронликни қўлга киритиш;

учинчидан, Олтин Ўрданинг кучли давлатга айланишга йўл қўймаслик ва уни иккинчи даражали мамлакатга айлантириш;

тўртинчидан, унинг Эрон ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилишга йўл қўймаслик;

бешинчидан, Дашти Қипчоқнинг шимолий қисмига ўз таъсирини ўтказиш;

олтинчидан, Хоразмни ўз тасарруфида сақлаб қолишга интилиш.

Тўхтамишхон Амир Темурнинг ташқи юришлари билан банд бўлганидан фойдаланиб Каспийнинг ғарбий соҳили бўйлаб ўтган қадимги йўл-Дарбанд орқали Амир Темур давлатига юриш қилади[12].

Тўхтамишнинг Амир Темурга бошпана сўраб келишидан бошланган муносабатлар кейинчалик ҳарбий ва сиёсий тўқнашувларга айланди.

4. Мунозара (Discussion)

Амир Темурнинг Тўхтамишга кўрсатган ёрдами сиёсий манфаатларга асосланган бўлиб, унинг мақсади Олтин Ўрдада ўз таъсири остидаги ҳокимиятни шакллантириш эди. Тўхтамиш эса мустақкам сиёсий тизимга эга бўлмаган Олтин Ўрдада мустақил сиёсат олиб боришга уриниб, Амир Темур билан зиддиятга келди. Амир Темурнинг стратегик юришлари нафақат унинг сиёсий нуфузини оширди, балки минтақадаги геосиёсий мувозанатни ҳам ўзгартирди. Жумладан, Буюк Ипак йўлига эгалик масаласидаги кураш ва Хоразм устидан назорат масалалари Амир Темур ташқи сиёсатининг ўзагини ташкил этган. Бу воқеалардан кейин Амир Темурнинг сабр косаси тўлади. У хавфли душманга айланган Тўхтамишга қарши 1388, 1391 ва 1394-1395 йилларда уч марта юриш қилади ва уни енгиб ўз мақсадига эришади. Амир Темур Олтин Ўрдани енгиб уни ҳолдан тойдиради, Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғини бутунлай издан чиқаради, Эрон ва Озарбайжоннинг дахлсизлиги ва бошқа мақсадларини амалга оширади.

Амир Темур Тўхтамишхонни енгиш билан дунё сиёсий харитасида муҳим ва катта ўзгаришлар ясаб рус князликларининг кейинги тараққиёти ва бирлашув жараёнларининг бошланиши учун замин яратади. А.Ю. Якубовский ғалабанинг аҳамиятини кўрсатиб, шундай ёзган эди: “1395 йилда Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, Астрахан ва айниқса Олтин Ўрда пойтахти Сарой Берканинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги жануби-Шарқий Европа учунгина эмас, балки Рус учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди... Оқсоқ Темур... Тўхтамишни енгиши билан Рус ерига объектив равишда катта хизмат кўрсатган, лекин шундай бўлишини унинг ўзи мутлақо пайқамаган”[13].

Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва дипломатиясини ўрганиш асносида унинг ташқи фаолиятининг ўндан тўққиз қисмини фаол дипломатик ҳаракатлар орқали Евросиё минтақасида тинчлик-омонликни таъминлашга қаратилган. Шунга қарамасдан, жаҳон тарихшунослигида унинг ташқи юришлари кўпроқ ёритилган.

Бу эса жаҳон миқёсида Амир Темурнинг фақат урушлар олиб боргани ҳақидаги тасаввурларни келтириб чиқариши мумкин. Унинг юришларига аслида рақиблари сабабчи бўлиб қолгани ҳам тарихшунослиқда очилмаган мавзулардан бўлиб, бу саҳифалар тарихий ҳақиқатлардандир.

Амир Темур сўнгги уруш ҳолатига етиб келинганда ҳам ҳужумдан аввал рақибларини огоҳлантирган, уларнинг ўйлаб кўришларига қайта-қайта вақт берган, иложи борица муаммони музокара-тинчлик йўли билан ҳал этишга интилган. Душманлари ҳаддидан ошиб вазиятлар қўлдан чиқиб кетганда энг охири чора сифатида уруш қилишга мажбур бўлган.

Тўхтамишхоннинг мағлубияти Олтон Ўрдани заифлаштирди ва унинг сиёсий парокандалигини тезлаштирди.

Амир Темурнинг қудратини намоён этди: Амир Темур Евроосиё кенгликларига энг таъсирли ҳарбий ва сиёсий етакчи сифатида тан олинди.

Олтин Ўрда заифлашгани рус князликларига мустақилликка интилиш имконини яратди.

Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатлар тарихда энг драматик сиёсий иттифоқ ва хиёнат намунасидир. Дастлаб дўст ва иттифоқчи бўлган икки султон кейинчалик тарихда энг қонли тўқнашувларнинг иштирокчиларига айланишди.

Хулоса (Conclusion)

Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатлар XIV аср Евросиёсидаги геосиёсий манзарани шакллантиришда муҳим ўрин тутган. Ушбу муносабатлар тарихда нафақат шахсий зиддиятлар, балки давлатлар ўртасидаги стратегик манфаатлар тўқнашуви мисоли сифатида ўрганилиши лозим. Мақола Амир Темурнинг ташқи сиёсий юришларининг оқилона ва мақсадли бўлганини, улар орқали минтақадаги хавфларни бартараф этиш ҳамда савдо йўллари устидан назоратни қўлга киритишга интилишини исботлайди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Бўриев О.Б. Амир Темур даврида Мовароуннаҳр ва Мўғулистон муносабатлари // Шарқшунослик. –Тошкент, 1996. – Б. 37-38.
2. Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. - Б.6.
3. Ўша жойда.
4. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳақимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б.103.
5. Фасих Ахмад ибн Джалалиддин Мухаммад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод) / Пер. с перс., комментарии и указатели Д. Ю. Юсуповой. - Ташкент: Фан, 1980.-С.99; Абдураимов А. Темур ва Тухтамиш ...- Б. 7 .
6. Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш ... - Б. 8.
7. Абдураимов М. Темур ва Тухтамиш ... - Б. 8.
8. Ўша муаллиф. - Б. 17.
9. Ўша жойда.
10. Ўша жойда.
11. Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш ... - Б. 19.
12. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков.- Тошкент: Шарқ, 1997. - Б. 109.
13. Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. - М.- Л.: 1950. – С. 373.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000